

## ОИЛА ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИДА НИЗОНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

**Бекжонов Жамшид Бахтиёр ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси*

*ИИВ Академияси 3- босқич*

*317-турух курсанти*

Оиладаги зўравонлик замирида кўпинча шахс устидан кулиш, ҳақоратлаш, камситиш, таҳқирлаш кабилар мавжуд бўлади. Бу, ўз навбатида, шахсда қасд ёки ўч олиш мотивининг шаклланиши ёхуд бунга жавобан жиноий хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келади. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишини тақозо этувчи шарт-шароитларни ўрганиш жараёнида «омил» атамасидан фойдала-тнамиз. Омил ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг муайян вазият ёки ҳолат таъсири остида шаклланиши ва ўзгариши натижасида оқибат келиб чиқишини таъминловчи восита вазифасини бажаради.

Оилавий ҳаётдаги низолар, хусусан, эр-хотин ўртасидаги низолар, зиддиятлар ислом илмида ҳам кенг кўламда ўрганилган бўлиб, унда низоларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда уни ислоҳ қилиш ҳакида бир қатор фикр-мулоҳазалар баён этилади. Жумладан, муқаддас ҳадис-у шарифларимиз ва шариат нормаларини кузатадиган бўлсак, унда одамларнинг бир-бирларига яхши муносабатда бўлиш-лари, ёмон ишлардан сақланиши, бир-бирлари билан ахил-иноқ бўлишлари, зино ва спиртли ичимлик истеъмол қилиш оғир гуноҳ эканлиги, айниқса, бир одамнинг иккинчи бир одам томонидан ҳақорат қилиниши қаттиқ қораланиб, ушбу хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан жамоа олдида таъзир жазо чораси қўлланилган. Бу жазо чораси ҳар қандай салбий иллатларнинг, шу жумладан жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.